4. Интернат типидаги муассасалардаги (болалар уйлари, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқаларга хизмат кўрсатувчи муассасалар) шахсларнинг ёши (ҳар бир ёш бўйича алоҳида) тўғрисида маълумот
(*идоравий маълумот*)
- Ўзбекистон Республикаси,
Қорақалпогистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
- йиллик
- 11 апрель
5. Санаторий-курортларда даволаниш учун мурожаат килган ногиронлиги бўлган шахсларнинг сони:
- яшаш жойи бўйича;
- санаторий -курортда даволаш тури бўйича.
(*идоравий маълумотлар*)
- Ўзбекистон Республикаси,
Қорақалпогистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
- йиллик
- 25 февраль
6. Санаторий-курортларда даволаниш учун йўлланма олган ногиронлиги бўлган шахслар сони:
- яшаш жойи бўйича;
- санаторий-курорт муассасасининг номибўйича.
(*идоравий маълумотлар*)
- Ўзбекистон Республикаси,
Қорақалпогистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича
- йиллик
- 25 февраль

T/р	Ишлар номи ва таркиби	Ишлаб чиқиладиган қисм	Даврийлиги	Хужжатнинг тури	Ташқи фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4	5	6
1.	Жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини инвестиция килишдан олинган даромадлар ва жамғарib бориладиган пенсия тизимини бошқариш бўйича харажатлар - дастлабки маълумотлар - чораклар бўйича якуний маълумотлар	61-§. ХАЛҚ БАНКИ Ўзбекистон Республикаси, даромадлар ва харажатларнинг моддалари бўйича	чораклик	жадваллар	ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунигача июнь
1.	Сувнинг ифлосланиши индекси тўғрисидаги маълумот (Миллий БРМ индикатори 6.3.2)	Ўзбекистон Республикаси, гидрологик бирликлар бўйича	йиллик	жадваллар	апрель
2.	СО2 чиқиндилари тўғрисида маълумот (Миллий БРМ индикатори 9.4.1)	Ўзбекистон Республикаси бўйича	йиллик	жадваллар	ноябрь
3.	Иссикхона газлари чиқиндиларини камайтириш, иклим баркарорлиги даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва ҳаракатлар бўйича ривожланиш стратегиялари ҳамда комплекс дастурларнинг мавжудлиги. (Миллий БРМ индикатори 13.2.1.1.)	Ўзбекистон Республикаси бўйича	йиллик	жадваллар	ноябрь
62-§. ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ МАРКАЗИ					
1.	Сурдо таржима билан ёки ўтувчи ёзувлар билан бирга олиб борилаётган телекўрсатувлар сони (идоравий маълумот)	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	йиллик		25 март
63-§. ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ					
1.	Китоблар, брошюралар, газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрлар	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	йиллик		6 май
64-§. А.НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ					
1.	Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (Темир йўл транспортида йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги идоравий статистика ҳисботи шакли)	Ўзбекистон Республикаси бўйича	чораклик		ҳисобот давридан кейинги ойнинг 4-кунга
2.	Йўловчи ва юк жўнатиш тўғрисида маълумот (ЦО-11 "Станциялар бўйича жўнатилган ва қабул қилинган юклар тўғрисида", ЦО-27 "Станциялар бўйича жўнатилган йўловчилар тўғрисида"ги идоравий статистика ҳисботи шакллари)	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, юк турлари ва қатнов турлари бўйича	йиллик		7 март
65-§. "ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ					

T/р	Ишлар номи ва таркиби	Ишлаб чиқиладиган қисм	Даврийлиги	Хужжатнинг тури	Ташқи фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4	5	6
3.	Темир йўлларнинг фойдаланиладиган узунлиги, шу жумладан электрлаштирилгани	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича	Йиллик		7 март
66-§. "UZBEKISTAN AIRPORTS" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ					
1.	Ҳаво транспортида йўловчи ва юқ ташиш (Ҳаво транспортида йўловчи ва юқ ташиш тўғрисидаги идоравий статистика ҳисоботи шакли)	Ўзбекистон Республикаси бўйича	чораклик		ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-куни
2.	Ҳаво кемаларининг сўнгги қатнов манзилига етиб келиши (Ҳаво кемаларининг сўнгги қатнов манзилига етиб келиши тўғрисидаги идоравий статистика ҳисоботи шакли)	Ўзбекистон Республикаси бўйича	чораклик		ҳисобот давридан кейинги ойнинг 6-куни
67-§. "UZBEKISTAN AIRWAYS" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ					
1.	Ҳаво транспортида йўловчи ва юқ ташиш (Ҳаво транспортида йўловчи ва юқ ташиш тўғрисидаги идоравий статистика ҳисоботи шакли)	Ўзбекистон Республикаси бўйича	чораклик		ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-куни
68-§. ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР, ШАҲАРЛАР ВА ТУМАНЛАР ҲОКИМЛИКЛАРИ					
1.	Турар жойга муҳтоjlар сифатида ҳисобга қўйилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони ҳамда турар жой учун берилган ордерлар (1-ijtimoiy (turar joy) "Turar жойга муҳтоjlар сифатида ҳисобга қўйилган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда турар жой учун берилган ордерлар тўғрисида ҳисобот" шакли)	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар бўйича	Йиллик	жадваллар	25 январь
2.	"Калити билан" ва сотиш учун мўлжалланган обьектлар курилиши бўйича маълумот	Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар, тадбиркорлик субъектлари бўйича	Йилда бир марта		5 август

IV БЎЛИМ. РАСМИЙ СТАТИСТИКА ТЎПЛАМЛАРИ

T/p	Расмий статистик тўпламлар номи	Даврийлиги	Хужжатнинг тури	Ташки фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4	5

40-боб. ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН НАШР ЭТИЛАДИГАН РАСМИЙ СТАТИСТИКА ТЎПЛАМЛАРИ

1.	Ўзбекистонда нархлар	йилда бир марта	тўплам	июль
2.	Ўзбекистон демографик йиллик тўплами	йилда бир марта	тўплам	июль
3.	Ўзбекистон худудларининг йиллик статистик тўплами	йилда бир марта	тўплам	август
4.	Ўзбекистон кишлек хўжалиги	йилда бир марта	тўплам	август
5.	Ўзбекистон ракамларда	йилда бир марта	тўплам	сентябрь
6.	Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси	йилда бир марта	тўплам	сентябрь
7.	Ўзбекистон саноати	йилда бир марта	тўплам	сентябрь
8.	Ўзбекистонда курилиш	йилда бир марта	тўплам	сентябрь
9.	Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик	йилда бир марта	тўплам	октябрь
10.	Ўзбекистонда савдо	йилда бир марта	тўплам	октябрь
11.	Ўзбекистонда транспорт ва алоқа	йилда бир марта	тўплам	октябрь
12.	Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик	йилда бир марта	тўплам	октябрь
13.	Ўзбекистонда ахборотлашган жамият ривожланишининг асосий кўрсаткичлари	йилда бир марта	тўплам	октябрь
14.	Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият	йилда бир марта	тўплам	ноябрь
15.	Ўзбекистон Республикаси аёллари ва эркаклари	йилда бир марта	тўплам	ноябрь
16.	Ўзбекистонда туризм	икки йилда 1 марта	тўплам	ноябрь
17.	Ўзбекистонда асосий фондлар	уч йилда 1 марта	тўплам	декабрь
18.	Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати (жойлардаги статистика органлари шакллантиради)	чораклик	тўплам	график асосида
19.	Туман (шаҳар)ларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати (жойлардаги статистика органлари шакллантиради)	йилда бир марта	тўплам	график асосида
20.	Ўзбекистонда барқарор ривожланиши мақсадлари статистик тўплами	йилда бир марта	тўплам	декабрь

41-боб. РАСМИЙ СТАТИСТИКАНИ БОШҚА ТАЙЁРЛОВЧИЛАРИ ТОМОНИДАН НАШР ЭТИЛАДИГАН РАСМИЙ СТАТИСТИКА ТЎПЛАМЛАРИ

69-§. МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1.	Давлат молиявий статистикаси йиллик тўплами	йиллик	тўплам	йил якуни бўйича кейинги йилнинг 30 сентябрингача
----	---------------------------------------------	--------	--------	---------------------------------------------------------

T/p	Расмий статистик тўпламлар номи	Даврийлиги	Хужжатнинг тури	Ташқи фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4	5

70-§. СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

1.	Соғликни саклаш вазирлиги тизимидағи шифохона ва амбулатория-поликлиника муассасалари фаолияти бўйича статистика тўплами	йиллик	тўплам	июнь
2.	Соғликни саклаш вазирлиги тизимидағи болалар шифохона ва амбулатория-поликлиника муассасалари фаолияти бўйича статистика тўплами	йиллик	тўплам	июнь
3.	Жарроҳлик амалиётлари бўйича статистика тўплами	йиллик	тўплам	июнь
4.	Даволанган беморлар тўғрисида статистика тўплами	йиллик	тўплам	июнь
5.	Аҳолининг умумий, бирламчи касалланиш ва “Д” назоратида турғанлар бўйича статистика тўплами	йиллик	тўплам	июнь
6.	Аҳолининг амбулатория-поликлиника муассасаларига қатновлари бўйича статистика тўплами	йиллик	тўплам	июнь
7.	Тиббиёт ходимлари тўғрисида статистика тўплами	йиллик	тўплам	июнь

71-§. МАРКАЗИЙ БАНК

1.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистика бюллетени	чораклик	бюллетень	хисобот даври тугагандан кейинги иккинчи ойнинг 15-кунгача
----	-----------------------------------------------------------------	----------	-----------	------------------------------------------------------------

В БЎЛИМ. ОЧИҚ СТАТИСТИКА МАЪЛУМОТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АЛМАШИНУВИ**5-КИЧИК БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ САВОЛНОМАЛАРИГА МУВОФИҚ****ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН СТАТИСТИКА МАЪЛУМОТЛАРИ**

T/p	Тақдим этиладиган маълумотлар номи ва таркиби	Маълумотлар тақдим этиладиган халқаро ташкилотлар номи	Даврийлиги	Ташқи фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4	5

42-боб. ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

1.	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш статистикаси бўйича йиллик тўплам учун саволнома	БМТнинг Статистика бўлими	йиллик	сўров бўйича
2.	“Ойлик статистик бюллетень” саволномаси (ОСБ)	БМТнинг Статистика бўлими	ойлик	хисобот ойидан кейинги ойнинг 25-кунгача
3.	Демографик йиллик тўплам. Халқаро саёҳат ва миграция бўйича саволнома	БМТнинг Статистика бўлими	йиллик	сўров бўйича

T/r	Тақдим этиладиган маълумотлар номи ва таркиби	Маълумотлар тақдим этиладиган халқаро ташкилотлар номи	Даврийлиги	Ташқи фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4	5
4.	Демографик йиллик тўплам: аҳоли сонини баҳолаш бўйича саволнома	БМТнинг Статистика бўлими	Йиллик	сўров бўйича
5.	Демографик йиллик тўплам: ахолининг табиий харакати бўйича саволнома	БМТнинг Статистика бўлими	Йиллик	сўров бўйича
6.	Миллий ҳисоблар бўйича саволнома	БМТнинг Статистика бўлими	Йиллик	сўров бўйича
7.	Энергия статистикаси бўйича йиллик саволнома	БМТнинг Статистика бўлими	Йиллик	сўров бўйича
8.	Хизматлар халқаро савдоси статистикаси бўйича саволнома	БМТнинг Статистика бўлими	Йиллик	сўров бўйича
9.	Умумий саноат статистикаси бўйича саволнома	БМТнинг Статистика бўлими	Йиллик	сўров бўйича
10.	Корхонанинг хусусиятлари бўйича ташқи савдо статистикаси саволномаси	БМТнинг Статистика бўлими	Йиллик	сўров бўйича
11.	АКТ соҳаси ва корхоналарда АКТдан фойдаланиш статистикаси саволномаси	БМТ Савдо ва ривожланиш конференцияси	сўров бўйича	сўров бўйича
12.	Табиий оғатлар бўйича сўровнома	БМТнинг табиий оғатлар хавфини камайтириш бўйича минтақавий оғиси	сўров бўйича	сўров бўйича
13.	Ўрмон хўжалиги бўйича умумий саволнома (БМТ ЕИК/ФАО/Евростат/Тропик дараҳтлар халқаро ташкилоти (ТДХТ))	БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси статистика бўлими (БМТ ЕИК)	сўров бўйича	сўров бўйича
14.	Миллий ҳисоблар бўйича саволнома	БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси статистика бўлими (БМТ ЕИК)	Йиллик	сўров бўйича
15.	Халқаро миграция статистикаси бўйича саволнома	БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси статистика бўлими (БМТ ЕИК)	сўров бўйича	сўров бўйича
16.	Йўл статистикаси бўйича саволнома	БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси статистика бўлими (БМТ ЕИК)	сўров бўйича	сўров бўйича
17.	Транспорт статистикаси бўйича умумий саволнома (ЕВРОСТАТ/ХТФ/ЕЭК ООН)	ЕВРОСТАТ	Йиллик	сўров бўйича
18.	Расмий таълим бўйича саволнома. Миллий таълим тизими.	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	график бўйича
19.	Расмий таълим бўйича саволнома. Ўқувчилар ва ўқитувчилар (ТХСТ 0-4)	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	график бўйича
20.	Расмий таълим бўйича саволнома. Ўқувчилар ва ўқитувчилар (ТХСТ 5-8)	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	график бўйича
21.	Таълим даражаси статистикаси бўйича саволнома	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	график бўйича
22.	Саводхонлик статистикаси бўйича саволнома	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	график бўйича

T/r	Тақдим этиладиган маълумотлар номи ва таркиби	Маълумотлар тақдим этиладиган халқаро ташкилотлар номи	Даврийлиги	Ташки фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4	5
23.	Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) статистикаси бўйича саволнома	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	график бўйича
24..	Бадиий филъимлар статистикаси бўйича саволнома-(UIS /CC/F)	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	график бўйича
25.	Маданий ва табиий мерос соҳасидаги харажатлар бўйича саволнома	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	сўров бўйича
26.	Уй хўжаликларининг АҚТ соҳасидаги билимларини баҳолаш натижалари	ЮНЕСКО статистика институти	сўров бўйича	график бўйича
27.	МДҲ мамлакатлари доирасида статистика маълумотларини давлатлараро алмасиши бўйича саволномалар тўплами	МДҲ Статистика кўмитаси	оийлик	хисобот ойидан сўнг 25 кунгача
28.	МДҲ мамлакатлари бўйича статистика тўплами учун жадваллар	МДҲ Статистика кўмитаси	йиллик	сўров бўйича
29.	Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича саволномалар	ЮНИСЕФ	сўров бўйича	сўров бўйича
30.	Меҳнат бозори бўйича саволнома (ILOSTAT)	Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Статистика департаменти	сўров бўйича	график бўйича
31.	Халқаро меҳнат миграцияси бўйича саволнома (ILMS)	Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Статистика департаменти	сўров бўйича	график бўйича
32.	ИҲТТнинг Ўзбекистон учун худудий саволномаси	Иқтисодий Ҳамкорлик ва Таракқиёт Ташкилоти (ИҲТТ)	сўров бўйича	сўров бўйича
33.	Осиё ва Тинч океани бўйича асосий кўрсаткичлар бўйича саволнома	Осиё Таракқиёт Банки	сўров бўйича	сўров бўйича
34.	Энергия баланси саволномалари	Халқаро Энергетика агентлиги	сўров бўйича	сўров бўйича
35.	Майда балиқчилик бўйича саволнома	БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)	сўров бўйича	график бўйича
36.	Балиқ овлаш бўйича саволнома	БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)	сўров бўйича	график бўйича
37.	Дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларидан фойдаланиш ва уларни ишлаб чиқариш маълумотлари бўйича саволнома	БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)	сўров бўйича	график бўйича
38.	Қишлоқ хўжалиги ва сув ресурслари бўйича Глобал ахборот тизимлар ФАО (AQUASTAT) учун маълумотлар тўплаш саволномаси	БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)	сўров бўйича	график асосида
39.	Балиқчилик ва аквакултурада бандлик кўрсаткичи саволномаси	БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)	сўров бўйича	график асосида
40.	Минерал ва кимёвий ўғитлар бўйича саволнома	БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)	сўров бўйича	сўров бўйича
41.	Ердан фойдаланиш, сугориш ва қишлоқ хўжалиги амалиёти бўйича сўровнома	БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)	сўров бўйича	сўров бўйича
42.	Стратегик қарашлар (режалар) бўйича саволнома	Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг Исломий давлатлар учун статистик иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар ҳамда тренинглар маркази (SESRIC)	сўров бўйича	график бўйича

T/р	Тақдим этиладиган маълумотлар номи ва таркиби	Маълумотлар тақдим этиладиган халқаро ташкилотлар номи	Даврийлиги	Ташқи фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4	5
43.	Статистика салоҳиятини мустаҳкамлаш дастури бўйича саволнома	Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг Исломий давлатлар учун статистик иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар хамда тренинглар маркази (SESRIC)	сўров бўйича	график бўйича
44.	Уй хўжаликлари аъзоларининг АҚТдан фойдаланиши бўйича саволнома	Халқаро Электроалоқа Иттифоқи	сўров бўйича	график бўйича
45.	Уй хўжаликлари аъзоларининг АҚТдан фойдаланиши бўйича катта саволнома	Халқаро Электроалоқа Иттифоқи	сўров бўйича	график бўйича
46.	Жаҳон йўл ҳаракати статистикаси бўйича сўровнома	Халқаро автомобиль йўллари федерацияси	сўров бўйича	сўров бўйича

43-боб. РАСМИЙ СТАТИСТИКАНИ БОШҚА ТАЙЁРЛОВЧИЛАРИ

72-§. МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ХВЖнинг “Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими” (GDDS)

хисобот чорагидан
кейинги иккинчи ойнинг
25-санасига қадар
йил якуни билан
кейинги йилнинг
30 сентябригача
ҳар йилнинг 1-чораги
якуний санасига қадар

1. Давлат ташқи қарзи

чораклик

2. Давлат молиявий статистикаси йиллик тўплами

йиллик

3. Қарзни ҳисобга олиш тизими (DRS)

йиллик

1. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Саломатлик барча учун” дастури бўйича маълумотлар

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига

йиллик

май

2. Тиббиёт ходимлари бўйича маълумотлар

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига

йиллик

май

1. Молиявий оммабоплик шархи (Financial access survey, FAS) доирасида молия тизимига оид статистик маълумотлар

Халқаро валюта жамғармаси

йиллик

1 июнь

73-§. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига

1. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига

йиллик

май

2. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига

йиллик

май

74-§. МАРКАЗИЙ БАНК

Халқаро валюта жамғармаси

1. Халқаро валюта жамғармаси

йиллик

1 июнь

6-КИЧИК БҮЛІМ. БОШҚА ХАЛҚАР ОАХБОРОТ АЛМАШУВЛАР

T/p	Бажариладиган ишлар номи	Даврийлиги	Ташки фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4

44-боб. ХАЛҚАР ОТАШКИЛОТЛАРНИНГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАЛАРИ

75-§. ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

- | | | | |
|----|--------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|----------------------------------------|
| 1. | ХВЖнинг к-МТУТ доирасида "Йиғма Маълумотларнинг Миллий саҳифаси"да эълон қилинадиган маълумотлар | оийлик | график бўйича |
| 2. | БМТнинг "COMTRADE" маълумотлар базасида тоҷарлар савдоси бўйича эълон қилинадиган маълумотлар | оийлик | ҳисобот оидидан сўнг
25-кунгача |
| 3. | ХВЖнинг "Халқаро молия статистикаси"да эълон қилинадиган маълумотлар | чораклик | ҳисобот чорагидан сўнг
90 кун ичидা |
| 4. | ЮНИСЕФ TransMonEE маълумотлар базасида эълон қилинадиган маълумотлар | сўров бўйича | сўров бўйича |

76-§. МАРКАЗИЙ БАНК

- | | | | |
|----|----------------------------------------------------------------------|---------------------|---------------|
| 1. | ХВЖнинг к-МТУТ доирасида эълон қилинадиган маълумотлар | оийлик,
чораклик | график бўйича |
| 2. | ХВЖнинг "Халқаро молия статистикаси"да эълон қилинадиган маълумотлар | оийлик,
чораклик | график бўйича |

45-боб. БИР МАРТАЛИК СЎРОВЛАР

77-§. ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

- | | | | |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|------------------------|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси худудидаги ва ундан ташкаридаги чет эл ваколатхоналари, юридик ва жисмоний шахслар сўрови асосида статистик маълумотлар тақдим этиш | сўров бўйича | сўров тушганидан кейин |
|----|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------|------------------------|

46-боб. БОШҚА ДАВЛАТЛАР СТАТИСТИКА ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН МАЪЛУМОТ АЛМАШИНУВИ

78-§. ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

- | | | | |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------|----------|----------------------------------------|
| 1. | Бошқа давлатлар статистика идоралари билан статистика маълумотлари ва нашрлар алмашинуви | чораклик | ҳисобот чорагидан сўнг
40 кун ичидা |
|----|------------------------------------------------------------------------------------------|----------|----------------------------------------|

47-боб. МАЪЛУМОТЛАРНИ РАСМИЙ САЙТДА ЭЪЛОН ҚИЛИШ

79-§. ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

- | | | | |
|---|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------|---------------|
| 1 | "Халқаро статистика" саҳифасининг "МДҲ статистика қўмитаси шакллари" бўлимидаги зарур статистика кўрсаткичларини 3 та тилда эълон қилиб бориш | доимий | график бўйича |
| 2 | "Халқаро статистика" саҳифасининг "Халқаро молиявий статистика" бўлимидаги зарур статистика кўрсаткичларини 3 та тилда эълон қилиб бориш | доимий | график бўйича |
| 3 | "Халқаро статистика" саҳифасида мамлакатлар кесимида статистика кўрсаткичларини шакллантириш ва 3 та тилда эълон қилиб бориш | доимий | график бўйича |

T/р	Бажариладиган ишлар номи	Даврийлиги	Ташки фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этиш муддатлари
1	2	3	4

80-§. ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

1.	Божхона тўловлари ҳакида маълумот	оийлик	хисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача
2.	Расмийлаштирилган божхона юқ декларациялари сони	чораклик	хисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача
3.	Ўзбекистон Республикасидан экспорт қилинган товарлар ҳакида маълумот	чораклик	хисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача
4.	Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган товарлар ҳакида маълумотлар	чораклик	хисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунигача

81-§. МАРКАЗИЙ БАНК

1.	Ушбу дастурнинг I бўлим 2-бобидаги Марказий банк томонидан тайёрланадиган расмий статистика кўрсаткичлари	оийлик, чораклик	график бўйича
----	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------	---------------

Статистика дастурининг бажарилиши учун талаб этиладиган маблаг Ўзбекистон Республикасида аҳолини ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ишларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти биносини ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация ва реконструкция қилиш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш	155,8 *
	60,0**
	0,6

ЖАМИ (млрд. сўм) 216,4

* Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан ушбу Дастурга мувофиқ бажарилган статистика ишлари учун Ўзбекистон Республика республика бюджети ҳисобидан ҳақ тўланади.

** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишини ўтказиш концепциясини тасдиqlashi тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон ва “Қишлоқ хўжалиги соҳасида статистик маълумотлар базасини кенгайтириши ва таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 февралдаги 104-сон қарорларига мувофиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил "7" февралдаги Г-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ 2003 й., 1-сон, 3-модда):

- а) 2-банддаги “биринчи ўринбосари ва” ҳамда “биринчи ўринбосарига ва” сўzlари чиқариб ташлансин;
- б) 6-банддаги “ягона статистика методологиясини ва давлат” сўzlари “статистика услубиётларини ва” сўzlари билан алмаштирилсин;
- в) 11-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган Ёнғинларни ва уларнинг оқибатларини ҳисобга олиш, шунингдек ёнғинларга доир ахборотни тўплаш ҳамда ўзаро алмашиш тартиби ҳақидаги низомнинг 1-бандидаги “Давлат статистикаси тўғрисида” сўzlари “Расмий статистика тўғрисида” сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2012 й., 9-сон, 70-модда):

а) муқаддимадаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2012 йил 3 январдаги ЎРҚ-315-сон” сўzlари “Расмий статистика тўғрисида”ги” сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

1-банддаги “Давлат статистикаси тўғрисида” сўzlари “Расмий статистика тўғрисида” сўzlари билан алмаштирилсин;

8-банднинг “ж” кичик бандидаги, 9-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 15-банднинг учинчи хатбошисидаги “давлат” сўзи чиқариб ташлансин;

12-банднинг биринчи хатбошисидаги “давлат статистикаси” сўzlари “миллий статистика” сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомда:

а) 19-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Раиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосари бўлади.

Давлат статистика қўмитаси раиси мақомига кўра вазирга, раис ўринбосарлари – вазир ўринбосарларига тенглаштирилади”;

б) 20-банднинг еттинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари раҳбарларини, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари бошлиқларини ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг тақдимномасига кўра белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди”;

в) 28-банддаги “Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази” сўzlари “Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти” сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 29-банднинг иккинчи хатбошидан “биринчи ўринбосари” сўzlари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 6 ноябрдаги 690-сон қарорида:

а) 1-банддаги “ишлиб чиқувчиларнинг” сўzlари “тайёрловчиларнинг” сўзига, “методологияларини” сўзи “услубиётларини” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Расмий статистикани тайёрловчиларнинг статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом расмий статистикани тайёрловчиларнинг статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

миллий статистика тизими – расмий статистикани биргаликда тайёрлайдиган ва тарқатадиган давлат статистика органлари ҳамда расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари мажмуи;

расмий статистикани тайёрловчи – миллий статистика тизимининг бир қисми бўлган, статистика маълумотларини расмий статистика соҳасидаги статистика дастурларига мувофиқ тайёрлайдиган давлат бошқаруви органи ва (ёки) унинг бўлинмаси;

статистика маълумотлари – статистика кузатувлари натижасида ва/ёки маъмурий маълумотлар асосида олинган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий ва экологик хусусиятга эга бўлган маълумотлар;

статистика услубиёти – статистика фаолиятини ташкил этишнинг умум эътироф этилган усуллари, қоидалари ва принциплари;

статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш – расмий статистикани тайёрловчиларнинг статистика маълумотларини тайёрлаш билан боғлиқ фаолиятида қўллайдиган услубий хужжатларнинг умум эътироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолаш.

3. Аудит Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган қўп йиллик ва бир йиллик статистика дастурларига киритилган расмий статистикани тайёрловчиларда (кейинги ўринларда - тайёрловчи) ўтказилади.

4. Статистика услубиётлари Давлат статистика қўмитаси томонидан аудитдан ўтказилади.

5. Тайёрловчининг статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш Давлат статистика қўмитаси томонидан статистикани ишлаб чиқувчилар билан келишган ҳолда ҳар йили тасдиқланадиган режа-жадвалга асосан ташкил этилади.

6. Аудит ўтказиш, унинг натижаларини кўриб чиқиш ҳамда тегишли чора-тадбирлар ушбу Низомга илова қилинадиган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Тайёрловчидаги статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш ҳар беш йилда камида бир марта ўтказилади.

8. Аудитни ўтказиш қонунийлик, мустақиллик, холислик ва маҳфийлик принциплари асосида амалга оширилади.

2-боб. Аудитнинг мақсади ва асосий вазифалари

9. Аудитнинг мақсади Давлат статистика қўмитасидан ташқари бошқа тайёрловчи томонидан фойдаланилаётган статистика услубиётларини халқаро стандартларга мувофиқлик юзасидан баҳолаш ҳамда уларни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Аудит бошқа тайёрловчининг расмий статистика соҳасида ўзлари ёки юқори органлар томонидан қабул қилинган услубий хужжатларни баҳолашни назарда тутади ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган, тасдиқланган ва жорий этилган статистика услубиётларига нисбатан татбиқ этилмайди.

10. Куйидагилар аудитнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

фойдаланилаётган статистика услубиётларини халқаро стандартларга мувофиқлик юзасидан баҳолаш;

тайёрланаётган ва эълон қилинаётган статистика маълумотларининг фойдаланилаётган статистика услубиётларига мослигини аниқлаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этишга, статистика услубиётларини ва статистика маълумотларини тайёрлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиши.

3-боб. Аудит ўтказишни тайинлаш

11. Давлат статистика қўмитаси ҳар йили 1 декабрга қадар тайёрловчининг статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш бўйича келгуси йил учун аудит ўтказиш режа-жадвалини (кейинги ўринларда - режа-жадвал) тасдиқлади.

12. Режа-жадвалга киритилган тайёрловчи ўтказиладиган аудит тўғрисида Давлат статистика қўмитаси томонидан аудит бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин хабардор қилинади.

Хабарномада аудитнинг бошланиш санаси, баҳоланадиган йўналишлар ва ҳужжатларнинг дастлабки рўйхати, шунингдек, аудитни ўтказиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Аудит ўтказиладиган ишлаб чиқувчи аудит бошлангунга қадар хабарномада кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотларни тайёрлаб қўйиши лозим.

13. Тайёрловчида аудит ўтказиш юзасидан Давлат статистика қўмитасининг буйруғи чиқарилади. Буйруқ билан аудит ўтказиш дастури ва аудит гуруҳи таркиби тасдиқланади.

14. Аудит ўтказиш дастури куйидагиларни назарда тутади:

аудит ўтказиш мақсадлари;

аудит ўтказиш соҳаси (ўрганиладиган фаолият турлари рўйхати);

аудит ўтказиш санаси;

аудит графики;

аудит ўтказувчи масъул ходим ёки аудит гуруҳининг (агар аудит ўтказиш бўйича гуруҳ ташкил этилса) мажбуриятлари.

Аудит ўтказиш дастури тайёрловчида аудит ўтказиш жараёнига оид бошқа маълумотларни ҳам ўз ичига қамраб олиши мумкин.

15. Аудит ўтказиш тўғрисидаги буйруқ ҳамда аудит ўтказиш дастури тайёловчининг раҳбарига аудит бошланишидан ўн кун олдин тақдим этилади.

Аудит ўтказиш дастурига томонларнинг келишувига мувофиқ аудит бошланишидан олдин ва зарур ҳолларда аудит давомида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

16. Давлат статистика қўмитаси томонидан аудитда иштирок этиш учун халқаро эксперtlар, илмий жамоатчилик вакиллари ва бошқа расмий статистикани тайёрловчининг малакали мутахассислари ихтиёрийлик ёки шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

17. Аудит ўтказилаётган даврда амалда фойдаланилаётган услубий хужжатларга аудит ўтказилаётган тайёрловчи томонидан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

18. Аудит ўтказишнинг умумий муддати уч ойдан ошиши мумкин эмас. Аудитни ўтказиш муддати:

фойдаланилаётган услубиётларга тааллукли хужжатларни халқаро ташкилотлардан олишга ва хужжатларни таржима қилишга қўшимча вақт зарур бўлганда;

ўрганилиши лозим бўлган хужжатлар ҳажмининг кўплиги сабабли аудитни ўтказиш учун буйруқда кўрсатилган муддатга қўшимча вақт талаб қилинганда;

аудит ўтказиш жараёнида ўрганилиши талаб қилинган қўшимча хужжатлар (ахборотлар) тўлиқ тақдим қилинмаганда;

халқаро ва миллий эксперtlар хулосаларини олиш зарурати юзага келган ҳолатларда узайтирилиши мумкин.

19. Аудит муддати аудитни ўтказувчи гурух раҳбарининг асосланган билдиришномасига асосан Давлат статистика қўмитаси раисининг рухсати билан узайтирилади. Бунда тегишли билдиришнома аудитнинг муддати тугашидан камида беш иш кунидан олдин берилиши зарур.

Аудит муддати узайтирилганда Давлат статистика қўмитаси раисининг бу ҳақида қўшимча буйруги чиқарилади ва аудит ўтказилаётган ишлаб чикувчи хабардор қилинади.

4-боб. Аудитни ташкил этиш

20. Статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш бевосита тайёрловчининг биносида, карантинга оид чоралар амал қилиши даврида шахсларнинг биноларга кириши чекланган ҳолларда ёки иш берувчининг асосий иш фаолиятига таъсир кўрсатмаслик мақсадида - масофавий шаклда Давлат статистика қўмитаси биносида ташкил этилади.

Аудит масофавий шаклда ўтказилган ҳолларда барча зарур хужжатлар тайёрловчи томонидан Давлат статистика қўмитасига рўйхат асосида тақдим этилади.

Томонларнинг келишувига асосан ўрганиладиган хужжатларнинг нусхалари, шу жумладан, электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

21. Аудит ўтказиладиган тайёрловчи аудитни ўтказиш учун масъул бўлган ўз вакилини тайинлайди ҳамда зарур хужжатларнинг аудит гурухига ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини таъминлайди.

22. Аудитни ўтказиши күйидаги хужжатлар ва ахборотларни ўрганишни назарда тутади:

тайёрловчининг статистика маълумотларини тайёрлаш соҳасида фойдаланилаётган статистика услубиётлари ҳамда уларни асословчи норматив-хукуқий хужжатлар (буйруқлар, қарорлар, қўшма қарорлар);

статистика услубиётларини ишлаб чиқишида фойдаланилган халқаро ташкилотларнинг услубий хужжатлари ва тавсиялари;

статистика услубиётларида қўлланилаётган хорижий давлатларнинг тажрибасини асословчи хужжатлар;

статистика маълумотларини тайёрлашда фойдаланиладиган бирламчи манбалар (идоравий ҳисобот шакллари, сўровномалар, бланкалар, карточкалар, намунавий жадваллар ва бошқалар) хужжатлари;

тайёрланган ва тарқатилган статистика маълумотлари (тўплам, бюллетен, брошюра, пресс-релиз, жадваллар, метамаълумотлар ва бошқалар);

зарур ҳолларда, статистика услубиётларини янада такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни асословчи хужжатлар (концепсия, стратегия, чора-тадбирлар, «йўл хариталари» ва бошқалар).

Аудит мақсадидан келиб чиқсан ҳолда зарурат туғилганда қўшимча хужжатлар ва ахборотлар ўрганилиши мумкин. Тайёрловчининг раҳбари уларни аудит гурухи сўровига асосан тақдим этиш чораларини кўриши лозим.

23. Аудит олинган хужжатлар ҳамда ахборотларнинг халқаро ва миллий стандартларга мувофиқ келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун уларни халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган услубий хужжатлар ва тавсиялар билан солиштириш йўли билан ташкил этилади.

Ўрганиш зарурати туғилган ва халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган услубий хужжатлар ва тавсиялар аудит ўтказувчилар томонидан мустақил равишда халқаро ташкилотлардан сўров орқали олиниши ёки жаҳон интернет ахборот тармоғидаги расмий манбалардан фойдаланилиши мумкин.

24. Аудит уни ўтказувчилар томонидан мустақил равишда, тайёрловчи вакилларининг иштирокисиз, олинган хужжатлар ва маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаган ҳолда ташкил этилади.

Аудит ўтказиши учун тақдим этилган барча очик хужжатлар ва маълумотлар аудитда иштирок этиш учун жалб этилган миллий ва хорижий эксперталардан ташқари учинчи томонга ошкор этилмаслиги шарт.

Ошкор этилиши қонунчилик хужжатларида тақиқланган ёки чекланган хужжатлар ва маълумотлар аудитдан фақат Давлат статистика қўмитасининг ушбу хужжатлардан фойдаланишга тегишли рухсати бўлган масъул ходимлари томонидан ўтказилади.

Аудит ўтказилаётган ҳужжатларга аниқлик киритиш ва тушунтириш олиш мақсадида аудит ўтказилаётган ишлаб чикувчининг масъул ходимлари Давлат статистика қўмитасига таклиф этилиши мумкин.

25. Аудит ўтказиш жараёнига хорижий эксперталар масофавий тарзда жалб этилган ҳолларда ошкор этилиши қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган ҳужжатлар ва маълумотлар нусхаларининг уларга электрон шаклда юборилишига йўл қўйилади.

26. Аудитни ўтказиш муддати аудит натижалари тўғрисида далолатнома тузилган (имзоланган) кунда тугайди.

5-боб. Аудит натижаларини расмийлаштириш

27. Аудит натижасига кўра икки нусхада аудит далолатномаси тузилади.

Аудит далолатномасида қўйидагилар акс эттирилиши керак:

тайёрловчининг статистика маълумотларини тайёрлаш бўйича фаолияти таҳлили;

аудит давомида қўлланилаётган услубиётларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан аниқланган камчиликлар, уларнинг пайдо бўлиши сабаблари ва шароитлари;

аниқланган камчиликларни бартараф этишга, услубий асослар ва статистика маълумотларини тайёрлаш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда тавсиялар.

28. Аудит далолатномасига аудит давомида аниқланган камчиликларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Агар аудит натижасида камчиликлар аниқланмаган бўлса, бу ҳақида аудит далолатномасида қайд этилади ҳамда тақдимнома расмийлаштирилмайди.

29. Аудит далолатномасининг барча нусхалари аудитни ўтказувчи шахс (шахслар) ва тайёрловчининг биринчи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Тайёрловчининг биринчи раҳбари ёки унинг ўринбосари аудит далолатномасини имзолашдан бош тортган тақдирда, аудитни ўтказувчи бу ҳақида аудит далолатномасига тегишли ёзувни киритади.

30. Аудит далолатномасининг бир нусхаси аудитдан ўтказилган тайёрловчига текширув тугаганидан кейин уч кун ичида топширилади.

Аудитдан ўтказилган тайёрловчи аудит далолатномасида баён этилган фактларга ва (ёки) аудит гурухининг хulosалари ҳамда таклифларига рози бўлмаган тақдирда, аудит далолатномасини олган кундан эътиборан ўн кун ичида Давлат статистика қўмитасига мазкур далолатнома бўйича умуман ёки унинг айрим ҳолатлари юзасидан ёзма эътиrozларини тақдим этишга ҳақли.

Аудитдан ўтказилган тайёрловчи ўз эътирозларининг асосланганлигини тасдиқловчи хужжатларни (уларнинг тасдиқланган кўчирма нусхаларини) ёзма эътирозларга илова қилишга ёки келишилган муддатда Давлат статистика қўмитасига топширишга ҳақли.

6-боб. Аудит натижаларига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этувчи ҳаракатларни амалга ошириш

31. Аудит натижаларига кўра статистика услубиётларида ҳалқаро стандартларга мувофиқлик юзасидан камчиликлар аниқланган ҳолларда Давлат статистика қўмитаси томонидан тайёрловчига ушбу камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритилади.

Тақдимнома тайёрловчига аудит тугаганидан кейин ўн кун ичида топширилади.

Тақдимномада аудит давомида аниқланган камчиликлар, уларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган шарт-шароитлар, камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилиши юзасидан қарорлар ва уларни бажариш муддатлари акс эттирилади.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар кўламидан келиб чиқсан ҳолда тайёрловчига уларни бартараф этиш учун 12 ойгача муддат белгиланиши мумкин.

Айрим ҳолларда тайёрловчининг асосланган таклифига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдимномада белгиланган муддат Давлат статистика қўмитаси томонидан узайтирилиши мумкин.

32. Аудитдан ўтказилган тайёрловчи тақдимномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилган санадан бир ойдан кўп бўлмаган муддатда чора-тадбирлар режаси ёки “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиши ва маълумот учун Давлат статистика қўмитасига тақдим этиши шарт.

Тайёрловчи чора-тадбирлар режаси (“йўл харитаси”) ижроси юзасидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-кунигача Давлат статистика қўмитасига маълумот бериб боради.

33. Давлат статистика қўмитаси аудит натижалари бўйича тайёрловчига киритилган тақдимномалар ҳамда улар бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режалари (“йўл хариталари”) ижроси юзасидан доимий мониторинг олиб боради.

34. Тайёрловчи тақдимномада келтирилган муддатларда аудит давомида аниқланган камчиликларни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўради ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида Давлат статистика қўмитасига якуний маълумотларни тақдим этади.

35. Давлат статистика қўмитаси якуний маълумотларни ўрганади ва ўрганиш яқунлари юзасидан камчиликларни бартараф этиш натижалари бўйича хулоса тайёрлайди.

7-боб. Якуиловчи қоидалар

36. Статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш натижалари ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотлар Давлат статистика қўмитаси хузуридаги Статистика кенгаши йиғилиши мухокамасига киритилади.

37. Тайёрловчининг раҳбари аудитни ўтказиш учун керакли шароитларнинг яратиб берилиши, масъул вакилларнинг бириктирилиши, зарур ҳужжатлар аудит гуруҳига ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилиши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилиши ҳамда амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида чораклик ва якуний маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгардир.

38. Аудитни ўтказиш давомида юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Расмий статистикани тайёрловчиларнинг
статистика услубиётларини аудитдан
ўтказиш тўғрисидаги низомга
илова

**Статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш, унинг натижаларини
кўриб чиқиши ҳамда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-bosqich	Давлат статистика қўмитаси	<p>1. Расмий тайёрловчиларда статистикани статистика услубиётларини аудитдан ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>2. Аудитни Низомда белгиланган талаблар асосида ўтказиш.</p> <p>3. Ўтказилган аудит натижаларига кўра далолатнома, зарур ҳолларда тақдимнома тузиш ва тайёрловчига тақдим этиш.</p>	<p>Ҳар йили 1 декабрга қадар</p> <p>Белгиланган муддатларда</p> <p>Аудит якунлангандан сўнг 10 кун муддатда</p>
2-bosqich	Тайёрловчи	<p>1. Тақдимномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>2. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисида чораклик ва якуний маълумотни Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш.</p>	<p>Тақдимномада белгиланган муддатларда</p> <p>Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-кунигача</p>
3-bosqich	Давлат статистика қўмитаси	<p>1. Аудит натижалари бўйича киритилган тақдимномалар ижроси юзасидан мониторинг олиб бориш.</p> <p>2. Тайёрловчи томонидан тақдим этилган якуний маълумотларни ўрганиш ва ўрганиш якунлари юзасидан камчиликларни бартараф этиш натижалари бўйича хулоса тузиш.</p> <p>3. Аудит натижалари ва кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгashi йиғилиши муҳокамасига киритиш.</p>	<p>Доимий равиша</p> <p>Маълумот олингандан сўнг 10 кун муддатда</p> <p>Йил якуни бўйича</p>

с) 2-илованинг 3-банди чиқариб ташлансин.

